



O'ZBEKISTON NOVOZI

● 2017-yil, 10-oktabr. Seshanba ● 124 (32.339)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

● 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

● www.uzbekistonovozi.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ФЕРМЕР, ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЭКИН МАЙДОНЛАРИДАН САМАРАЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўтган давр мобайнида қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини жорий этиш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, мулкдорлар синфини шакллантириш ҳамда уларнинг мустақиллигини таъминлаш бўйича босқичма-босқич ислохотлар амалга оширилди.

Ислохотларнинг дастлабки босқичида фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолиятини ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда уларни етакчи қўлга айлантириш бўйича мустақам ҳуқуқий асос ҳамда зарур шарт-шароитлар яратилди.

Қабул қилинган «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги ва «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонунлар ернинг ҳақиқий эгаси сифатида фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳуқуқий мақомини аниқ белгилаб берди ҳамда уларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи асосий субъектлар сифатида шаклланиши ва ривожланишини таъминлади.

Қўп тармоқли фермер хўжаликлари ташкил этиш, уларга зарур шарт-шароитлар яратиш, фермер ва деҳқонларнинг ҳуқуқлари ва қўп тармоқли манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ўтказилган ислохотлар натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 99 фоизидан ортиги фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда томорқа ер майдонларида етиштирилишига эришилди.

Шу билан бирга, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қўп тармоқли манфаатларини ишончли ҳимоя қилишда, тизимда бозор механизмларини жорий этишда, қўп тармоқли фермер хўжаликлари янада ривожлантиришда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмларини барқарор ошириб боришда ҳамда ер майдонларидан самарали фойдаланишда қатор муаммо ва камчиликлар кузатишмоқда. Хусусан:

биринчидан, фермер хўжаликлари ҳуқуқлари ва қўп тармоқли манфаатларини ҳимоя қилиш, фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш мақсадида ташкил этилган Ўзбекистон фермерлари кенгаши ўз зиммасига юклатилган вазифаларни етарли даражада бажара олмади;

иккинчидан, аҳоли ихтиёридаги 480 минг гектардан ортиқ томорқа экин майдонларидан фойдаланиш самарадорлиги паст даражада қолмоқда. Узоқ йиллар фойдаланилмаётган томорқа ер эгаларининг оғир нисбатан муносабатини тубдан ўзгартириш бўйича тизимли иш олиб боришмапти;

учинчидан, фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳимоя ер майдонлари ҳамда томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланиш устидан парламент, вакиллик ва жамоатчилик назорати лозим даражада ўрнатилмаган;

тўртинчидан, фермер хўжаликлари асосий қисми қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш билан чекланиб қолмоқда, уларнинг қайта ишлаш, сақлаш, тайёр маҳсулотларни сотиш ва хизматлар кўрсатиш каби қўп тармоқли фаолиятини йўлга қўйишда мавжуд имкониятлардан фойдаланишмапти;

бешинчидан, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини моддий-техника ресурслари билан таъминлаш ва уларга хизмат кўрсатишда зарур инфратузилмалар яратилмаган ҳамда соҳада бозор механизмлари етарли даражада шаклланимаган;

олтинчидан, ақарият фермер хўжаликлари ҳимоя ер майдонлари ҳамда томорқа ер эгаларининг бугунги молиявий аҳоли замонавий, ресурстежовчи қишлоқ хўжалиги техника воситаларини харид қилиш, ишлаб чиқаришда илгор агротехнология, инновация ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш имконини бермапти;

еттинчидан, фермер, деҳқон хўжаликлари аъзолари ва томорқа ер эгаларининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш соҳасидаги билим ва қўп тармоқли ишлари, уларни зарур маълумот ва ахборотлар билан таъминлаш ҳамда бошқа хизматлар кўрсатиш тизими, шунингдек, фермер хўжаликларида меҳнат муносабатларини ташкил этиш ҳолати бугунги кун талабларига жавоб бермайди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини янада қўллаб-қувватлаш, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа экин майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини таъминлаш, пировард натижа ҳамда ер эгаларининг даромадларини қўлай-тиришга бўлган муносабатларини тубдан ўзгартириш мақсадида:

1. Қўйдагилар фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қўп тармоқли манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг ҳозирги

босқичдаги устувор йўналишлари этиб белгилансин:

биринчидан, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш, уларнинг ҳуқуқлари ва қўп тармоқли манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали тизимини яратиш, ушбу соҳада норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш;

иккинчидан, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг экин майдонларидан самарали фойдаланишдаги шахсий манфаатдорлиги ва масъулиятини ошириш, бу борада парламент, вакиллик ва жамоатчилик назоратининг таъсирчан тизимини яратиш;

учинчидан, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг экин ер майдонларидан самарали фойдаланиш таъминлаш бўйича вазифаларини аниқ белгилаш ҳамда уларнинг жавобгарлигини қўлайтириш;

тўртинчидан, қўп тармоқли фермер хўжаликлари ривожлантириш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини қўлай-тириш;

бешинчидан, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг молиявий-иқтисодий барқарорлигини таъминлаш, уларнинг тайёрлов, қайта ишлаш, таъминот ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан ўзаро муносабатларида замонавий бозор механизмларини жорий этиш;

олтинчидан, «Томорқа — қўшимча даромад манбаи» ширини қишлоқ аҳолиси орасида кенг тарғиб қилиш ҳамда ер эгаларининг кундалик фаолиятига сингдириш;

еттинчидан, ер эгаларининг билим ва тажрибаларини ошириш, уларни зарур маълумот ва ахборотлар билан таъминлаш тизимини ривожлантириш, соҳага замонавий технологияларни кенг жорий этиш, фермер хўжаликлари

меҳнат муносабатларини ташкил этиш бўйича фаолиятини такомиллаштириш.

2. Ўзбекистон фермерлари кенгаши конференциясининг қарорига мувофиқ Ўзбекистон фермерлари кенгаши Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши сифатида, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар фермерлар кенгашлари тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари сифатида қайта тузилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. 2018 йил ҳосилидан бошлаб шундай тартиб жорий этилсинки, унга кўра:

фермер хўжаликлари ҳимоя ер участкаларидан фойдаланиш самарадорлиги ҳар чоракда халқ депутатлари туман Кенгашларида, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг экин майдонларидан фойдаланиш самарадорлиги ҳар ойда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида муҳокама қилиб борилади;

ер майдонларидан самарасиз фойдаланган, қишлоқ хўжалиги экинларини тўлиқ экимаган, агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга оширмаган фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари нисбатан **ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг бекор қилинишига бўлган қатъий жавобгарлик чоралари қўрилади**.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатига: ҳудудларда, биринчи навбатда қишлоқ хўжалиги шароитлари оғир бўлган туманларда, экин экиш аҳолини ҳар ойда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан ўрганиш ҳамда аниқланган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан ўз ваколатлари доирасида амалий чоралар кўриш;

қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан фойдаланиш самарадорлигининг халқ депутатлари туман Кенгашларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида муҳокама қилиниши аҳолини доимий равишда сенаторлар томонидан ўрганиш ҳамда ҳар чоракда Олий Мажлис Сенатининг мажлисларида қўриб чиқиш амалиётини жорий этиш тавсия этилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси:

Давлат солиқ қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда 2018 йил 1 октябрга қадар барча деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг экин майдонларини

тўлиқ хатловдан ўтказсин ҳамда уларнинг ягона реестрини шакллантирсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари билан биргаликда шакллантирилган ягона реестрнинг назорат ҳолатида юритилишини, ундаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги, тўлиқлиги ва доимий равишда янгиланиб борилишини таъминласин.

6. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича республика комиссиясининг 2018-2021 йилларда фермер хўжаликлари босқичма-босқич қўп тармоқли фермер хўжаликлари айлантириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилаб қўйилсинки, 2022 йилнинг 1 январидан бошлаб қўп тармоқли фаолиятини йўлга қўймаган фермер хўжаликлари билан ер ижараси шартномалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бекор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (З.Мирзаев, Ж.Қўчқоров) ҳар йили фермер хўжаликлари босқичма-босқич қўп тармоқли фермер хўжаликлари айлантириш бўйича фермер хўжаликлари кесимида ҳудудий дастурларнинг ишлаб чиқишини ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят Кенгашларида тасдиқланишини таъминласин, шунингдек, ҳудудий дастурлар асосида ишлаб чиқилган республика миқёсидаги дастурларни қўриб чиқиш ва маъқуллаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (А.Арипов, З.Мирзаев):

икки ой муддатда чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, мева-сабзавотчилик, асаларичилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа муҳим йўналишларини янада ривожлантириш, фермер хўжаликлари билан бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштириш ва унинг самарадорлигини оширишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарорлари лойиҳаларини киритсин;

уч ой муддатда қишлоқ хўжалиги самарадорлиги ва рентабеллигини оширишда, айниқса пахта йигим-теримини механизациялаштиришда бозор инфратузилмаларини, инновацияларни, фан уюмлари ҳамда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, шунингдек соҳада меҳнат муносабатларини янада такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

икки ой муддатда 2018-2020 йилларда республикада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Президентини девонига киритсин.

8. Деҳқончилик маданиятини оширишда муносиб ҳисса қўшган ва ишлаб чиқаришда юксак натижаларга эришган фермер, деҳқон хўжаликлари раҳбарлари ва томорқа ер эгаларига тақдим этиладиган **«Илгор фермер»**, **«Меҳнаткаш деҳқон»** ва **«Намунали томорқачи»** кўрак нишонлари таъсис этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

икки ой муддатда «Илгор фермер», «Меҳнаткаш деҳқон» ва «Намунали томорқачи» кўрак нишонлари тўғрисидаги низомларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 октябрдаги ПФ — 4478-сон «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қўп тармоқли фермер хўжаликлари мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

12. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — қишлоқ ва сув хўжалиги вазири З.Т.Мирзаев зиммасига юклансин.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МАҲ САММИТИДА ИШТИРОКИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 10-11 октябрь кунлари Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг Сочи шаҳрида бўладиган навбатдаги мажлисида иштирок этади.

Мажлисда МДҲга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарлари қўп қиррали ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилиши, минтақавий ва халқаро миқёсдаги масалалар юзасидан фикр алмашиши, 2018 йилда Ҳамдўстликка раислик қиладиган давлат масаласини кўриб чиқиши қўйилмоқда.

Саммит якунида МДҲга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг Оила институти ва аънавий оилавий қадриятларни қўллаб-қувватлаш бўйича баёноти, 2019 йилни Китоё йили, 2020 йилни 1941-1945 йиллардаги улуғ Ватан урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллиги йили, деб эълон қилиш ҳақида қарор, шунингдек, Ҳамдўстлик мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган бошқа ҳужжатлар қабул қилиниши режалаштирилган.

Ўзбекистон Президенти Сочи шаҳрида икки томонлама қатор учрашувлар ҳам ўтказди.

ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР ВА КИЧИК СANOAT ЗОНАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарини ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлар самарадорлиги таҳлилига бағишланган йилгилик ўтказди.

Йилгиликда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва унинг ўринбосарлари, Президентнинг давлат маслаҳатчилари, тегишли вазирлик, идора ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари иштирок этди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида макроиктисодий барқарорликни мустаҳкамлаш, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларга хорижий, аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш, давлат мулки хусусийлаштирилган объектлар базасида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш, вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир қўллаб-қувватлаш белгиланган. Мамлакатимизда эркин иқтисодий зоналар, технопарклар ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш, янгиларини ташкил этиш борасида олиб борилаётган ишлар бунда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 26 октябрдаги «Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонида мувофиқ ушбу зоналар учун янада қўлай шарт-шароитлар яратилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда 14 та эркин иқтисодий зона фаолият юритмоқда. «Навоий», «Ангрен», «Жиззах», «Ургут», «Ғиждувон», «Қўқон» ва «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зоналарида умумий қиймати 486 миллион долларга тенг 62 лойиҳа амалга оширилган, 4 минг 600 дан ортиқ иш ўрни яратилган. Фармацевтика соҳасига ихтисослашган «Нукус-фарм», «Зомин-фарм», «Косонсой-фарм», «Сирдарё-фарм», «Бойсун-фарм», «Бўстонлик-фарм», «Паркент-фарм» сингари 7 анги эркин иқтисодий зонани ривожлантириш бўйича изчил ишлар олиб боришмоқда.

Йилгиликда эркин иқтисодий зоналардаги натижалар қўнқарли эмаслиги, уларни янада ривожлантириш учун тартиб-таомилларни соддалаштириш, инвестор ва тадбиркорларни жалб этишни кенгайтириш зарурлиги таъкидланди.

Президентимиз топиригига асосан эркин иқтисодий зоналарда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш, хориждан юқори технологик усуналар харид қилиш учун Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағи ҳисобидан 100 миллион доллар миқдорида чет эл валютасидаги кредит линияси очилган.

Кичик саноат зоналарида дирекциялар ташкил этилган. Кредит олиш ва банк хизматларидан фойдаланишда муаммо бўлмаслиги учун ҳар бир зонага муайян тижорат банки бириктирилган. Бозор талаблари ва импорт номенклатурасини ўрганиш асосида тадбиркорлар учун таклифлар, истикболли лойиҳалар рўйхати шакллантирилган. Кичик саноат зонасида ишлайдиган субъектлар 2 йил барча солиқлардан озод этилган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳри туманлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларга таширфлари чоғида бўш турган ёки самарасиз иш юритаётган ишлаб чиқариш биноларини бориб кўрди. Улардан самарали фойдаланиш, янги корхоналар ташкил этишни рағбатлантириш мақсадида ушбу бинолар негизда кичик саноат

зоналари ташкил этилди. Мамлакатимиздаги кичик саноат зоналари 96 тага етди.

Бугунги кунгача ушбу зоналарда умумий қиймати 535 миллиард сўмга тенг 1021 лойиҳа амалга оширилган, 9 минг 600 дан зиёд иш ўрни яратилган. Лойиҳалар доирасида нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам хариддоригр бўлган енгил саноат, қимё, озиқ-овқат маҳсулотлари, электр техникаси буюмлари, замонавий қурилиш материаллари, мебель ва бошқа тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Бундан ташқари, 248 лойиҳани амалга ошириш натижасида 11 минг янги иш ўрни яратиш режалаштирилмоқда.

Йилгиликда кичик саноат зоналарининг сармояларни жалб қилиш, тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли фаровонлигини оширишдаги аҳамияти хусусида алоҳида тўхталиб ўтилди.

Президент Шавкат Мирзиёев тегишли вазирлик, идора ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бу соҳадаги фаолиятини таъкид қилиб, уларда ташаббускорлик етишмаслиги, эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарини ривожлантириш бўйича ишларни ташкил қилиш даражаси суғлигини таъкидлади.

Хусусан, масъул вазирлик ва идоралар томонидан лойиҳаларни кўриб чиқиш ва мувофиқлаштириш жараёни мураккаб-лигича қолиб, одатда расмий характер касб этмоқда. Эркин иқтисодий зона қатнашчиларига ер участкалари ажратиш масалаларини ҳал этишда хануз бюрократизм асоратлари сақланиб қолмоқда.

«Ургут», «Қўқон», «Ғиждувон» ва «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зоналари, шунингдек, фармацевтика йўналишидаги эркин иқтисодий ҳудудларда янги корхоналар ташкил этиш учун хорижий сармояларни жалб қилиш ишлари суст бормоқда. Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарини электр энергияси, табиий газ, сув ва бошқа коммуникация тармоқлари билан барқарор таъминлашда муаммолар кузатишмоқда.

Давлатимиз раҳбари бу каби камчиликларни бартараф этиш, эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарида инвестор ва тадбиркорларга янада кенг имкониятлар яратишга оид комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш бўйича топшириқлар берди. Аввало, ушбу зоналар фаолиятига доир меъёрий-ҳуқуқий базани қайта кўриб чиқиш, бугунги замон талабларига мослаштириш, барча учун очик ва тушунарли механизм яратиш зарурлиги таъкидланди.

Ер участкалари, бўш турган биноларни ажратиш тартибини соддалаштириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, эркин иқтисодий зоналарда амалга оширилаётган лойиҳалар Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Маъмурий кенгаш томонидан кўриб чиқилади. Шу пайтгача бу кенгаш 17 вазирлик ва идорадан иборат эди. Президентимиз кўрсатмасига мувофиқ уларнинг сони 4 та этиб белгиланди.

Бу борада янги тизим — ҳудудий комиссиялар ташкил этилиб, уларнинг лойиҳаларни кўриб чиқиш ва рухсат бериш ҳуқуқлари кенгайтирилди. Шунингдек, иқтисодий зоналарда жойлаштириш учун инвестиция лойиҳаларини танлаб олиш мезони қайта кўриб чиқилди, эркин иқтисодий зона иштирокчиларига кредит ажратишни яхшилаш ҳамда муҳандислик таъминоти воситалари билан таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинади.

Йилгиликда эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарида жойлашган корхоналарни барча зарур муҳандислик-коммуникация тармоқлари ва инфра-тузилма билан ўз вақтида таъминлаш бўйича топшириқлар берилди.

НОГИРОНЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА

Ўзбекистон ХДП фракцияси ўз таклифларини берди

Хабарингиз бор, жорий йилнинг 1 август куни ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Президент фармойиши эълон қилинган эди. Унда ногиронлар ва имконияти чекланган болаларга тиббий-ижтимоий ёрдамни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш, мавжуд муаммоларни бартараф қилиш масалалари илгари сурилган.

Ушбу фармойишга мувофиқ, ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган таклифларни тайёрлаш бўйича комиссия ташкил этилди. Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзолари ҳам партия дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, электротат манфаатларига хизмат қиладиган таклифларни илгари сурди.



Шухрат ТУРСУНБОЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича тайёрланган таклифлар фракциямиз йиғилишида аҳолига ўрганиб чиқилди. Айтиш керакки, мазкур таклифлар орқали долзарб ижтимоий масалалар қамраб олинган. Лекин фикримизча, яна айрим жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Хусусан, халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда, ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқи тўғрисида қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Фармойишда ногиронлиги бўлган шахсларнинг аниқ ҳисобини юритиш механизмларини ишлаб чиқиш вазифаси белгиланган. Шундан

келиб чиқиб, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаёт фаолиятини ҳисобга олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш масаласи назарда тутилган керак, деб ҳисоблаймиз.

Бугунги кун талабларига мос равишда ногиронлиги бўлган шахслар учун реабилитация воситаларини ишлаб чиқаришнинг давлат стандартлари (регламентлари) тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш таклифини ҳам илгари сураيمиз. Бундан ташқари, жисмоний имконияти чекланган фуқароларни реабилитация қилиш ва тиббий-ижтимоий экспертизадан ўтказишни ташкил этиш бўйича ҳукумат қарори қабул қилиниши комплекс чора-тадбирлар дастурида ўз аксини топиши лозим.



Шухрат МАМАЖОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Фракциямиз аъзолари ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш жараёнида фаол иштирок этди. Жойларга чиқиб, аҳоли вакиллари билан учрашувлар ўтказилди. Фракция аъзолари ҳамда Ногиронлар жамияти масъуллари иштирокида бўлиб ўтган йиғилишда ҳам мазкур масала кенг муҳокама қилинди. Улар билан ҳамкорликда қатор таклифлар тайёрланди ва комиссияга топширилди.

Хусусан, «Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенцияни ратификация қилиш масаласи эътибордан четда қолмаслиги керак, деб ҳисоблаймиз. Чунки мазкур ҳужжат тизимни такомиллаштиришда ўзига хос мезон вазифасини ўтайди. Фракциямиз аъзолари ногиронлигининг олдини олишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш комиссиясини тузиш ва унинг қошида ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш фондини ташкил этиш керак, деган фикрда.

Шу билан бир қаторда, «Тўсиқсиз муҳит» давлат дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича ҳукумат қарорини тайёрлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Мазкур дастур барча учун тенг имкониятлар юзгага келтирувчи муҳит яратилишида асос бўлиб хизмат қилади.

Ногиронлиги бўлган шахсларни таълим билан қамраб олишда ҳам камчиликлар мавжуд. Шу боисдан таълим олиш ҳуқуқи кафолатлари тўғрисида қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш керак, деб ўйлаймиз. Унда жисмоний имконияти чекланган шахсларнинг таълим даргоҳларига эмин-эркин кириб-чиқиши, ҳаракатланиши ва дарсларда иштирокини таъминлаш масалалари қамраб олинган.

Ўзбекистон ХДП фракцияси томонидан тайёрланган шу ва бошқа таклифлар масъул комиссияга тақдим этилди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон ХДП:
устувор вазифалар

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида уй-жой коммунал хўжалиги соҳасидаги муаммолар ечимида партия ташкилотларининг иштироки мавзусида семинар ўтказилди. Унда партия масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзолари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги мутасаддилари, Тошкент шаҳрида фаолият олиб бораётган уй-жой мулкдорлари ширкатлари раҳбарлари иштирок этди.

УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ:

муаммоларни ҳал қилиш учун, аввало, тарғиботни кучайтириш зарур



Фотурх АЛИЕВ олган сурат.

Дастлаб Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари Ҳотамжон Кетмонов мавзунинг аҳамияти, партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари зиммасидаги вазифалар ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирди.

ҳам ҳудудлардаги муаммоларни ўрганган ҳолда қонунчиликка таклифлар бериш борасида маҳаллий Кенгашлар депутатлари билан ҳамкорлики янада кучайтиришимиз керак.

— Жамиятда сиёсий партияларнинг ўрни мустаҳкамланиб боргани сари масъулияти ҳам ошади, ҳар бир соҳада уларнинг иштироки, таъсири кенгайиб боради, — деди у. — Шу маънода партиямиз ҳам электротат манфаатларига хизмат қиладиган ташаббусларни кўпайтириши долзарб вазифа ҳисобланади. Айниқса, уй-жой коммунал соҳасида аҳоли, электротат манфаатларига доир масалалар кўп.

— Тўғри, бугунги кунда коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида ечимини кутаётган масалалар кўп, — деди **Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги бошқарма бошлиги Фахриддин Ражабов**. — Шунинг учун вазирлик томонидан тузилган махсус гуруҳ июль-август ойларида жойлардаги ҳолатни ўрганиб чиқди.

Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати вакиллари билан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида сиёсий партиялар ўз дастурий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда назорат қилинадиган давлат бошқаруви органларини аниқлаб олиш кераклиги таъкидланган эди. Мазкур топшириқ ижросини таъминлаш бўйича Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги фаолияти устидан самарали парламент ва депутатлик назоратини олиб бориш мақсадида ҳамкорликда чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Унга кўра, аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, коммунал хизмат соҳасидаги муаммоларни ечиш каби долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратилади.

Аниқланган муаммоларни ечиш юзасидан иш олиб боришда. Маълумки, ҳар бир масаланинг ҳуқуқий ечимини бўлиши лозим. Шу боис, бугунги кунда 50 дан зиёд ҳужжат лойиҳалари устида иш олиб боришмоқда. Вазирлик янги ташкил қилинган боис, Молия вазирлиги томонидан коммунал хизматлар учун белгиланган тўлов тарифи келишилмаган. Бундан кейин биз мана шу жараёнда ҳам бевосита иштирок этамиз. Ўйлайманики, олиб борилаётган ислохотлар тизимдаги камчиликларни бартараф этиш, аҳолининг турмуш фаровонлиги ошишига хизмат қилади.

Уй-жой коммунал тизимидаги масалаларни ҳал этиш учун уларни тизимли ўрганиш, ҳудудлар бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқиш талаб этилади.

— Муаммолар ҳақида гап кетганда сувнинг сифатига алоҳида эътибор қаратиш керак, — деди **Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ичимлик ва оқова сув таъминоти тизимларидан фойдаланиш бўлими мудири Ўктам Содиков**. — Яна бир муаммоли масала сув учун тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаслиги билан боғлиқ. Ёзининг иссиқ кунларида 1 литр сувини кўчада 1,5 минг сўмга олиб ичган одам, бир тонна сувга Андижонда 200 сўм, Қорақалпоғистонда 800 сўм тўлашга қийналади. Айтиш керакки, қарс икки кўлдан чиқади. Аҳоли орасида сувдан оқилонга фойдаланиш масаласида ҳам тушунтириш ишларини кучайтириш керак.

Семинарда соҳага алоқадор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти, аҳамиятини аҳоли қатламига ҳамда истеъмолчиларга тушунтириш масаласи алоҳида қайд этиб ўтилди.

Не машаққатда истеъмол учун етказиладиган сув томоқчаларини суғориш учун ишлатилади. Кўп қаватли уйларда ванналарга ёз кунлари тарвуз-қовунни ташлаб сув оқизиб қўйилади. Бу каби исрофгарчиликларга йўл қўйиб бўлмайди. Аслида сувини етказиб беришга катта харажат кетади. Аммо аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида нархлар арзонлаштирилган.

— Партиямиз сайловолди дастурида аҳолининг ижтимоий заиф қатламнинг уй-жой шароитини яхшилаш, ижтимоий инфратузилма билан таъминланганлик даражасини ошириш, коммунал хизматлар ва кўп қаватли уйларда турар жойдан фойдаланиш харажатлари нархларининг мақбулликни ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган, — деди **Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Акмал Умаралиев**.

— Харажат дастурига асосан жорий йилнинг ўтган 8 ойида коммунал соҳага оид 100 дан ортиқ масала партия гуруҳларида муҳокама қилинди. Уларнинг аксарияти доимий комиссиялар ва сессиялар кун тартибига киритилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди. Фракциямиз аъзолари 60 дан ортиқ туманда ҳудудларни ривожлантиришнинг устувор вазифаларини ҳал этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга доир ўрганишлар ўтказди. Биз бундан кейин

ОЛТИН КУЗНИНГ ОЛТИН ДАМЛАРИ

Тахририятимиз жамоаси ўтган шанба куни Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманидаги пахта далаларида бўлди

Табиатнинг ҳар бир фасли тақорланмас манзаралари, мўъжизалари билан завқли ва қадрли. Аммо кузнинг таровати ҳам, моҳияти ва масъулияти ҳам ўзгача, ота-боболаримиз ибораси билан айтганда, галвир сувдан қўтариладиган пайт, барака фасли.



Фотурх АЛИЕВ олган суратлар.

Кузда нафақат қишлоқда яшайдиганларнинг, балки шаҳарликларнинг ҳам фикр-эди пахта йиғим-теримида бўлади. Осмонда қора булут пайдо бўлиб, ёмғир томчиласа, шаҳарликлар ҳам пахтакорларни ўйлаб, безовта бўлиб қолишади. Имкони бор киши деҳқонларга ёрдам берсам, шу катта хирмонга ҳисса қўшсам, дейди.

Ҳаммамиз иштиёқ билан теримга киришдик. Орадан бир соатча ўтгач, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши вакиллари келиб қолишди. Улар энг илгор теримчиларга махсус совғалар борлигини эълон қилишди. Иш қизиб кетди, биринчи терим эмасми, ўза чанокларида ҳосил мўл эди. Фермер айтганидек, пахта-ни чаногиди қолдирмай теришга ҳаракат қилдик.

Пешинга яқин тарозига борганда, маълум бўлдики, «Ёшлигимда кўп пахта терганман», деб мақтанган йиғитларимизни хотин-қизларимиз ортда қолдирибди... Тушлик пайтида бутун ҳашарчилар жамулжам бўлишди, ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши ва тахририят ходимлари, яқин атрофдаги қишлоқлардан келган теримчилар билан қизиқарли суҳбатлар, турли мавзуларда фикрлашувлар ва шёърхонлик бўлди. Катта қозонда дамланган паловнинг мазаси оғизда қолди...

Тушдан сўнг қўшни қишлоқда пахта тераётган ёшлар билан учрашувга бордик. Улар иш билан вақтинча банд бўлмаган ёшлар бўлиб, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши ташаббуси билан йиғим-теримга жалб этилган экан.

Тахририятимиз жамоаси ҳам ўз ихтиёри билан ёрдамга отланди. Абдуманнон Нурматов раҳбарлик қилаётган «Низомиддин агроомад» фермер хўжалигининг 20 гектар майдонига пахта экилган экан, ҳозиргача режадаги ҳосилнинг ярми хирмонга топширилибди. Мўлжал — гектаридан 35 центнердан ҳосил олиш. Дала-ларда эса ҳосил мўл, чаноклардан оқиб кетай деб турган оппоқ пахта теримчиларни интиқиб кутаётгандек...

Уюшмаган ёшларни мавсумий меҳнат билан банд қилиш орқали уларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган лойиҳа асосида қўнгилли ёшлардан тузилган бу отрядлар учун турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказиб борилаётгани ҳам ибратли ташаббус, албатта.

Уларнинг қайси бири билан суҳбатлашмайлик, кунлик терим ҳақи ҳар кўни тўлаб борилаётгани, иссиқ овқат

таъминоти кўнгилдагидек эканини эшитдик. Бунинг устига, илгор теримчиларга махсус совғалар бериб борилапти. «Ҳар кўни қанчадан пахта тераяпсизлар?» деган саволга кимдир 80, кимдир 100 кг дан тераётганини айтди.

Институтга киришга тайёргарлик кўраман.

«Ота-онам кекса, оиламиз бюджетига ёрдам қилмоқчиман», дейди қизлардан бири. «Мен кичкина бўлса-да, жой олиб, қишлоқда «Гўзаллик саломи» очмоқчиман, дейди улардан яна бири.

Давранинг бир четиди турган 30-35 ёшлар атрофидаги аёл икки яшар ўғли ногиронлиги, боласини даволатишга пул йиғайтиганини айтди. Бизга ҳамроҳлик қилаётган ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши ходими Гўлчехра Аширматова унинг яшаш манзили ва бошқа керакли маълумотларни ёзиб олди, ёшлар иттифоқи томонидан уларга ёрдам берилишини айтди. Биз ҳам ёрдам беришга тайёргарлигимизни билдирдик.

Яна жамоамиз ёнига қайтдик, теримни давом эттирдик. Кечга яқин ким қанча терганини ҳисоб-китоб қилдик, мусафҳилар бўлими мудири Мафтуна Мингбоева ҳаммадан кўп терибди — 57 кг. У ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг мукофоти — мобил телефон билан тақдирланди. Яна бир гуруҳ ходимларимизга ҳам совғалар топширилди.

Ҳашардан қайтаётиб, ҳаммамизнинг кайфиятимиз баланд эди. Ҳашар баҳонаси билан кенг далада тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олганимизданми, кўпларимиз болаларимизни эслаганимизданми, қишлоқ одамлари билан дилдан суҳбатлашганимизданми, мамлакатимиз пахта хирмонига бир чимдим бўлса-да, ҳисса қўшганимизданми, ҳар ҳолда ҳаммамиз хурсанд эдик.

Нуруллоҳ ДОСТОН,
Тошметин ХУДОЙКУЛ,
«Ўзбекистон овози»
мухбирлари.



Ҳаракат дастурига асосан жорий йилнинг ўтган 8 ойида коммунал соҳага оид 100 дан ортиқ масала партия гуруҳларида муҳокама қилинди.

Фарғона шахридаги Ислон Каримов номидаги санъат саройи хиббониди Фарғона вилояти ички ишлар бошқармаси ички ишлар органлари таянч пунктлари профилактика инспекторларининг ўзлари хизмат қилаётган ҳудудда осойишталикни таъминлаш ва фуқароларнинг қонуний манфаатларини ишончли ҳимоялаш учун тантанали қасамёд қабул қилиш маросими ўтказилди.

САДОҚАТ БИЛАН ХИЗМАТ ҚИЛИШГА ҚАСАМЁД

Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ишлар ҳараёнида тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда ички ишлар идоралари фаолияти муҳим ўрин тутати. Айниқса, ушбу тизимни халққа янада яқинлаштириш мақсадида амалга оширилаётган изчил ишлар юксак самаралар бераётир.

Бу борада давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самардорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги фармони муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ички ишлар органлари тизимини ислох қилиш бора-сидаги кенг қўламли саъй-ҳаракатлар айнан профилактика инспекторларидан бошланганида ҳам чуқур маъно бор. Зеро, жиноятчини жазолашдан кўра, бундай ҳолатнинг олдини олган ҳар ҳижатдан фойдалидир. Шу маънода, аввало, ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини ўз вақтида бартаф этиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, қонунга ҳурмат туйғусини юксалтириш, қонун бўзилишининг ҳар қандай кўринишига мурасасиз бўлиш кўникмасини шакллантириш профилактика инспектори зиммасига алоҳида вазифа юклайди.

Фарғона вилоятида 650 дан ортиқ профилактика инспектори фаолият қўрсатмоқда. Улар томонидан ҳудудда осойишталикни таъминлаш, турли нохуш ҳолатларнинг олдини олиш борасида мўйайн ишлар амалга оширилмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг тақдифига биноан мамлакатимизда ҳар ҳафта пайшанба жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика кўни, деб эълон қилинган ички ишлар идоралари ходимлари зиммасидаги масъулиятни янада оширди. Жойларда турли ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, тарғибот-тушунтириш ишларини қўлайитириш, маҳалла билан ҳамкорликда ишлаш бу борада ўзининг амалий самараларини бермоқда.

Президентимизнинг 2017 йил 20 апрелдаги «Ички ишлар органлари таянч пунктларининг профилактика инспекторларини хизмат уй-жойи билан таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги қарорига биноан профилактика инспекторлари хизмат уйлари берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қўнунчилик палатаси депутатлари, турли вазирилик ва идоралар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, нурунийлар, ёшлар, профилактика инспекторларининг оила аъзолари иштирок этган тадбирда 120 нафар профилактика инспекторига замонавий хизмат уйи ва имтиёзли кредит асосида харид қилинган янги автомашина қалити тантанали равишда топширилди.

Тадбирда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, маҳаллаларда турли ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олишда профилактика инспекторлари алоҳида ўрин тутиши таъкидланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Н.Иўлдошев, Бош вазир ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Т. Норбоева, ички ишлар вазири П.Бобононов иштирок этди.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА мухбири.

ЭЪЛОН

КАРАКАЛПАКСКИЙ ФИЛИАЛ ООО «CAPITAL REALTOR GROUP»

8 ноября 2017 года в 12.00 по адресу: город Нукус, улица А. Темура, дом №122а проводит открытые аукционные торги, на которых в порядке последовательного роста начальных цен выставяются на продажу:

Здание, принадлежасие Каракалпакскому филиалу АО «Узбектелеком», согласно письму за №48-01-09/1612 от 06.10.2017 года;

— Здание отдела связи общей земельной площадью 15 257,4 м.кв. Начальная цена — 217 150 000 сумов, расположенные по адресу: г. Нукус, проспект Кызкеткен, б/н.

— Здание магазина, общей площадью 70,29 м.кв. Начальная цена — 21 100 000 сумов, расположенное по адресу: г. Нукус, улица Узбекистан, дом №38.

— Здание отдела связи, общей площадью 509,3 м.кв. Начальная цена — 89 700 000 сумов, расположенное по адресу: Амударьинский район, ССГ Бабур.

— Административное здание, общей площадью, 165,86 м.кв. Начальная цена — 51 200 000 сумов, расположенное по адресу: Тахтакупырский район, ССГ Белтау.

Прием заявок от желающих участвовать в аукционных торгах производится с 9.00 по 18.00 во все дни, кроме субботы и воскресенья. Прием заявок прекращается 7 ноября 2017 года в 16.00. Покупатель вносит залог в размере не менее 15 процентов от первоначальной стоимости заявленного имущества с указанием номера и даты исполнительного документа в справке уплаты на р/с №20208000904927571009, МФО 01038, ИНН 207126662 КК филиала ООО «Capital Realtor Group» в МУФ ОАКБ «Капитал банк» г. Нукус.

Обращаться по адресу: г. Нукус ул. А. Темура, №122а. Телефон: (0361) 222-83-41.

Лицензия №RR 0017.

ДЗЮДОЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ



Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида дзюдо бўйича Гран-при туркумига кирувчи халқаро турнир бўлиб ўтди.

Халқаро дзюдо федерацияси, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Миллий олимпия қўмитаси, мамлакатимиз дзюдо федерацияси томонидан ташкил этилган турнир дунёнинг 30 га яқин давлатидан 180 дан ортиқ спортчи голиблик учун беллашди.

Мусобақада Ўзбекистон терма

жамоаси аъзолари 1 олтин, 2 кумуш ва 9 бронза медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади.

— Пойтахтимизда ташкил этилган мазкур нуфузли турнирда голиб бўлганимдан хурсандман, — дейди дзюдочимиз Гулноза Матниёзова. — Бундай турнирлар тажриба ва маҳоратимизни ошириш, келгусидаги нуфузли халқаро спорт анжуманларида пухта тайёргарлик кўришимизда муҳим аҳамиятга эга.

73 килограммгача бўлган полвонлар ўртасида Фиёсжон Бобоев ҳамда 90

килограммгача бўлган дзюдочилар ўртасида Дилшод Чориев шоҳсуланинг иккинчи поғонасидан жой эгаллади.

Шунингдек, Болтабой Болтаев, Шарофиддин Болтабоев, Хикматиллоҳ Тўраев, Давронбек Сатторов, Сардор Нуриллаев, Бекмурод Олтибоев, Шарофиддин Лутфуллаев, Яхё Имомов ва Шерали Жўраев ўз вазн тоифаларида бронза медални қўлга киритди.

Ж.ТОШХЎЖАЕВ,
ЎЗА мухбири.

Миллий матбуот марказида

УЧҚУР ПОЕЗДЛАР ЯҚИН ОРАДА ХОРАЗМГА ҲАМ БОРАДИ

«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти тизимда амалга оширилган ишлар ва истиқболдаги вазифалар ҳақида матбуот анжумани ўтказди.

Анжуманда мамлакатимиз темир йўл транспорт соҳаси катта тараққиёт йўлини босиб ўтгани, ҳудудларни боғлайдиган, халқаро йўللарга чиқиш имконини берадиган яхлит тизим барпо этилгани таъкидланди.

— Бугунги кунда мамлакатимиз темир йўлларининг умумий узунлиги қарийб 7 минг километрини ташкил этади, — дейди «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти бош менежери — бош муҳандиси Хуснидин Хосилов. — Истиқлолга эришганимиздан буюн 4 ярим минг километрга яқин темир йўл қайта таъмирланди, 2 минг 100 километрга яқин янги пўлат излар ётқизилди, 2 минг 500 километр узунликдаги темир йўл тармоқлари тўлиқ электрлаштирилди. Йўловчиларга сифатли хизмат қўрсатиш, қўлайликлар яратиш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилди. Унга яқин янги темир йўл вокзаллари замон талаблари даражасида қуриб, фойдаланишга топширилди. 20 дан зиёд вокзал жаҳон стандартларига мос

равишда капитал таъмирланди. Айни пайтда Тошкент шаҳридаги Жанубий вокзални реконструкция қилиш ишлари олиб борилмоқда.

Мамлакатимизнинг ягона темир йўл тизимини барпо этиш, йўловчи ва юк ташиш ҳажмининг ошириш мақсадида кўплаб йирик лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилди. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти аҳолисини пойтахт ва бошқа вилоятлар билан боғлайдиган ва узунлиги 341,6 километр бўлган «Навоий — Учқудуқ — Султон Увайистог — Нукус» янги темир йўл линияси, Амударё узра темир йўл ва автомобиль қўшама кўприги, «Тошғузор — Бойсун — Қумқўрган» янги темир йўл линиялари қуриб фойдаланишга топширилгани шулар жумласидандир. Ортирилган катта тажриба ва янги технологиялар боис темир йўлчилар томонидан Афғонистонда ҳам бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, «Хайратон — Мозори Шариф» йўналишида 106 километрга пўлат излар ётқизилди.

2010 йилда умумий узунлиги 344 километр бўлган «Тошкент — Самарқанд» линиясида кенг қўламли модернизация ва таъмирлаш ишлари олиб борилди. 2011 йилдан бошлаб мазкур йўналишда «Afrosiyob» юқори тезликда ҳаракатланувчи замонавий поезд мамлакатимиз аҳолиси ва

меҳмонларга халқаро талаб даражасида хизмат қўрсата бошлади. Электрлаштириш ишлари натижасида 2015 йил Тошкентдан Қаришга, 2016 йилда эса Тошкентдан Бухоро ана шундай замонавий поездларнинг мунтазам қатнови йўлга қўйилди. Ҳозирги кунда Урганчдан Хива шаҳригача бўлган масофада пўлат излар ётқизиш, электрлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Лойиҳа низоҳасига етгач, ушбу йўналишда юқори тезликда ҳаракатланувчи поездлар қатнови йўлга қўйилади ва қадимий ўлкага ташир буюрувчи сайёҳлар учун яна бир қўлайлик яратилади.

Фарғона водийсини мамлакатимиз пойтахти билан боғлайдиган умумий узунлиги 123,2 километрлик «Ангрен — Поп» электрлаштирилган темир йўли ва узунлиги 19,2 километрга тенг «Қамчиқ» туннели бунёд этилгани муҳим тарихий воқеа бўлди.

Локомотивлар паркинги янгиланган борасида ҳам самарали натижаларга эришилмоқда. Ҳозиргача 50 га яқин замонавий электровоз харид қилинди. Бу эса ўз навбатида юк ва йўловчи ташиш ҳажмининг янада оширишга имкон яратди. Бугунги кунда йўловчи поездлар таркиби тармоқдаги «Тошкент йўловчи вагонлари»ни қуриш ва таъмирлаш заводи» акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган

сўнгги русумдаги вагонлар билан тўлдириб борилмоқда. Жорий йилнинг ўзида «Қўқон — Андижон» ҳамда «Бекобод — Тошкент» йўналишларида ана шундай вагонлардан иборат электр поездларнинг доимий ҳаракати йўлга қўйилгани ҳам аҳолига қўшимча қўлайликлар яратди. Яқинда Тошкент шаҳрида юқори тезликда ҳаракатланувчи «Afrosiyob» поездларига техник хизмат қўрсатувчи замонавий сервис маркази ҳамда унинг ёнида узунлиги қарийб 300 метрни ташкил этувчи мухташам йўл ўтказгич ишга туширилди.

Анжуманда узунлиги 355 километрини ташкил этувчи «Бухоро — Мискин» янги темир йўлининг муддатидан илгари қуриб, фойдаланишга топширилгани алоҳида қайд этилди.

Айни кунларда тармоқда бунёдкорлик ишлари жадал давом этмоқда. Хусусан, пойтахтимизнинг Сергели тумани шаҳар маркази билан боғлайдиган олти бекатли, узунлиги 7 километрдан зиёд ерусти, Юнусобод туманида 3 бекатдан иборат ерусти метрополитенини қуриш ишлари олиб борилмоқда.

Тадбирда истиқболдаги лойиҳалар тўғрисида ҳам маълумотлар берилди.

Тоштемир ХУДОЙКУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ҳамкорлик

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ЕВРОПА КИНОСИ ФЕСТИВАЛИ

Нукусда 6-8 октябрь кунлари Европа киноси фестивали бўлиб ўтди.

Фестивалнинг очилиш маросимида Европа Иттифоқининг мамлакатимиздаги делегацияси раҳбари, элчи Эдуард Стип-райс, «Ўзбекино» миллий агентлиги бош директори Фуқрат Зокиров ва бошқалар Европа давлатлари ва Ўзбекистон ўртасидаги аънаваний маданий ҳамкорлик фаол ривожланаётганини таъкидлади. Аънаваний ўтказиб келинаётган Европа киноси фестивали бунинг ёрқин тасдиғидир.

Маданият ва санъат байрами Швейцария кинематографлари томонидан яратилган «Хайди» бадийи фильми намойиши

билан бошланди. Инсон ва табиат уйғунлиги Хайди исмли қизалоқ бошидан кечирган воқеалар воситасида ишонарли ва қизиқарли тарзда кўрсатиб берилгани ҳеч бир томошабиннинг бепарқ қолдирмайдир. Фестиваль доирасида, шунингдек, Буюк Британия, Германия, Финляндия ва Франция давлатлари киноусталари томонидан яратилган бадийи ва ҳужжатли картиналар, анимацион фильмлар намойиш этилди.

Германиялик киноижодкорлар томонидан 2015 йилда суратга олинган «Турт қирол», франциялик киносанъаткорлар-

нинг 2014 йилда яратилган «Сўнгги гавҳар тош», Буюк Британиянинг 2010 йилда яратилган «Қирол гапирди» бадийи фильмлари, Финляндиянинг «Қўл ҳақида эртас» ҳужжатли картинаси ҳамда Франциянинг «Қанот қоқиб юбор» мультфильми томошабинларда катта қизиқиш уйғотди.

Миллий ва халқаро танловлар совриндорлари бўлган ушбу асарлар қорақалпоғистонлик томошабинларга бепул намойиш этилди.

А.ОРТИҚБОВ,
ЎЗА мухбири.

КОРЕЙС МАДАНИЯТИ НАМОЙИШИ

Андижонда «Korean Festival — 2017» фестивали тадбирлари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги ҳамда корейс миллатига мансуб юртдошларимиз мамлакатимизда яшаётганининг 80 йиллиги муносабати билан ўзбек ва корейс маданияти кўнлари доирасида Жанубий Кореянинг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамда Андижон вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган фестивалда давлат ва жамоат ташкилотлари, миллий маданий марказлар вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, ёшлар иштирок этди.

Фестиваль тадбирлари вилоят кўчирчоқ театрида «Ўзбекистон — Жанубий Корея дўстлиги» мавзусидаги расмлар кўргазмаси билан бошланди. Унда умумтаълим мактаблари ўқувчилари, «Баркамол авлод» болалар марказлари тўғрақлари аъзоларининг корейс ва ўзбек миллатининг ўзига хос қадриятлари, аънава ва урф-одатлари, икки халқ турмуш тарзини ифодаловчи асарлари намойиш этилди. Меҳмонлар эътирофига сазовор бўлган энг яхши расмлар муаллифлари Жанубий Кореянинг мамлакатимиздаги элчихонасининг диплом ва эсдалик совгалари билан тақдирланди.

— Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари ўзаро юксак ишончга асосланган, — дейди Жанубий Кореянинг мамлакатимиздаги Фавқуллоҳда ва мухтор элчиси Квон Ён У. — Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларида Андижонда автомобилсозлик бўйича бошлаган ҳамкорлигимиз йилдан-йилга мустаҳкамлашиб, изчил кенгайиб бормоқда. Бугунги кунда икки давлат ишбилармонлари ҳамкорлигида кўплаб корхоналар самарали фаолият юритмоқда. Ишонаманки, бизнинг дўстона муносабатларимиз бундан буюн ҳам шу руҳда давом этади.

Фестиваль доирасида Бобур номидаги вилоят мусикали драма ва комедия театрида андижонлик ва Жанубий кореялик санъаткорлар иштирокида концерт дастури намойиш этилди. Айниқса, «Last For One В Вон» гуруҳи, «Кого» ансамбли санъаткорлари томонидан ижро этилган миллий ва замонавий куй-қўшиқ ва рақслар барчага ҳушқайфият улашди.

Корейс киноижодкорлари томонидан суратга олинган «Етти камарадаги мўъжиза» фильми иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Фестиваль доирасида «Қирол тикувчиси», «Ҳамиша» номли корейс фильмлари намойиш этилди.

Ф. УБАЙДУЛЛАЕВ,
ЎЗА мухбири.

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши жамоаси кенгаш раиси ўринбосари Музаффар Туроповга волидаи муҳтарамаси **ОППОК** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси республика бошқаруви жамғарманинг Тошкент вилояти бўлими раиси Сайфулла Асадовга волидаи муҳтарамаси **Хатира ТОИРОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Агробанк» акциядорлик тижорат банки жамоаси банк ходими Абдуғани Алламуратовга падари бузруквори **БОБОМУРОД** отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент молия институти ректорати ва қасаба уюшмаси институтининг «минтақавий иқтисодиёт» кафедраси доценти **ҲОКИМ АСИЛОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади